

ҚАҲРАМОНЛАРГА ХАЛҚ ОЛҚИШИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИ МОСКВАДА КУТИБ ОЛИНДИ

МОСКВА, 18 август. (ТАСС). Байрамлардагидек шод-хушраам Москвада бугун тантанали кун — Ватанимиз пойтахти космос қаҳрамонлари Андриян Николаев билан Павел Поповични кутиб олмоқда. Улар ўзларининг тарихий зафарлари билан Ватанимиз шон-шухратини оширишда, инсониятга коммунизм йўлини очиб бераётган мамлакатнинг кишилари қандай буюк зафарларга қодир эканлигини тарихга олтин харфлар билан ёздилар.

Пойтахт меҳнатнашларининг вакиллари аэродромга гулдасталар, табрик ширпарлар кўтариб келдилар. Аэродромда дипломатик корпус вакиллари, совет ва чет эл матбуотининг жуда кўп намоёндалари ҳам бор эди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, министрлар, Москвадаги партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қаҳрамон космонавтларни кутиб олмоқ учун Внуково аэродромига келдилар. Космос қаҳрамонларининг қариндошлари ҳам шу ерда эди.

Қирувчи самолётлар кузатиб бораётган кумушсимон «ИЛ-18» ҳа-

во кемаси Москва устида кўринади. Қаҳрамонлар Москвага учиб келишди. Самолёт шаҳар тепасида айланиб учгандан сўнг, аэродромга кўнади ва қизил поёндоз олдига келиб тўхтади.

Соат 14. Авиация маршининг садолари, қарсақлар ва «Ура» садолари остида космос қаҳрамонлари Андриян Николаев ва Павел Попович зинадан тушадилар ва трибунага томон йўл оладилар. Рапорт сўзлари янграйди.

Андриян НИКОЛАЕВ маълум қилди:

Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси! Коммунист партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг топшириғи бажариладиганини Сизга маълум қилиш билан бахтирман. «Восток-3» космик кемасида тўрт кун давом этган учаш муваффақиятли тугалланди.

Учинч вақтида «Восток-4» кемаси билан маҳкам алоқа бoғлаб турилади. Кемадаги барча приборлар ва системалар тўхтовсиз ишлаб турди.

Кайфиятим жуда яхши. Партия ва ҳукуматнинг ҳар бир йиги топшириғини бажаришга тайёрман.

Майор НИКОЛАЕВ. Павел ПОПОВИЧ маълум қилди:

Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси! Коммунист партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг топшириғи муваффақиятли бажариладиганини Сизга хурсандчилик билан маълум қиламан. «Восток-4» кемасининг бир неча кун давом этган парвози муваффақиятли тугалланди. «Восток-4» кемаси гоёт пухта ишлаб турди.

Кайфиятим жуда соз. Партиянинг ва ҳукуматнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёрман.

Подполковник ПОПОВИЧ.

Уларнинг рапортини Москва тинглайди, бутун мамлакат, бутун жаҳон тинглайди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев рапортини қабул қилиб, космонавтларни табриқлайди, уларни оталарча қучоқлаб ўлади. Қаҳрамонларни, трибунадаги ҳамма — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, космонавтларнинг қариндошлари қизгин табриқлайдилар. Космос қаҳрамонлари, Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, қаҳрамонларнинг ота-оналари Москва меҳнаткашлари вакилларининг колонналарини айланиб чиқиб, уларни табриқлайдилар. Овация янграйди.

Гулла билан безатилган катта машина кўчш нурларида товланади. Андриян Николаев ва Павел Попович, Андрияннинг онаси Анна Алексеевна, Павел Поповичнинг отаси ва онаси — Роман Порфирьевич ва Феодосья Касьяновна, Павелнинг рафиқаси Мария ана шу машинага чиқадилар. Иккинчи машинага партия Марказий Комитети Президиумининг аъзолари тушади.

Автомобиллар аэродромдан бирин-кетин жўнаб кетади. Машиналарнинг тантанали юриши космос қаҳрамонларининг тоассаси бўйлаб — пойтахтнинг ҳаво дарвозасидан Ленин проспектига ва шундан кейин Қизил майдонга, овациялар, шон-шухрат, москваликларнинг самимий табриқларидан иборат ўттиз километрлик йўлдан боради.

МОСКВА, 18 август. (ТАСС). Қизил майдон. Улуғ умумхалқ тантаналари кунларида москваликлар шу ерда келишди. Бугун ҳам бу ерда пойтахтнинг йн минглаб меҳнаткашлари тўлдирган.

ГУМ биноси тепасида В. И. Ленин портрети тасвирланган ва: «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» деб ёзилган байроқ хилпирайди.

Ҳамма ерда байроқлар, гуллар, Москва-река дарёсига тушаверишда юқорига отилиб турган ранг-таннинг макети, Тарих музейи би-

9-ИЛ ЧИҚИШИ

№ 166 (2199).

19

АВГУСТ

ЯҚШАНБА

1962 ЙИЛ

БАҲОСИ

2 ТИЙИН

Космоснинг ўзи сингари космосни ўзлаштиришдаги муваффақиятлар ҳам бутун инсониятнинг мулкидир.
Н. С. ХРУШЧЕВ



Порфирьевичга ва онаси Феодосья Касьяновнага, Павелнинг рафиқаси Мария ва қизи Наташага гулдасталар тақдим этадилар. Ф. Р. Козлов митингни ёниқ деб эълон қилади. Қизил майдонда Совет Иттифоқи Гимнининг улуғвор садолари янграйди.

Совет халқининг космосни ўзлаштириш соҳасидаги йиги буюк ғалабаси шарафига меҳнатнашлар намоиши бошланади. Колонналар кетма-кет ўтадилар. Намойишчиларнинг охири кўринмайди. Улар космос қаҳрамонларини, партиянинг XXII съезди белгилаб берган йўлдан мамлакатимизни бутун инсониятнинг порлоқ истиқболга — коммунизм сари бошлаб бораётган ленинчи Марказий Комитетни табриқлайдилар. Намойишчиларнинг колонналари Коммунист партия ва Совет ҳукуматининг асосчиси В. И. Лениннинг, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларининг, космонавт қаҳрамонларнинг портретларини ёлғанд кўтарганлар. Москва меҳнаткашларининг ана шу тантанали намоиши гоёт қувончли ўтди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга сўз берилди.

Н. С. Хрушчевнинг ёрқин, чуқур маъмули нутқи кўп марта қарсақлар билан бўлиниб турди.

Хушчақчақ болалар зинаполлардан Мавзолейга югуриб чиқадилар. Улар Андриян Николаевга ва Павел Поповичга, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоларига, Андриян Николаевнинг онаси Анна Алексеевнага, Павел Поповичнинг отаси Роман

Авиаторларга салом

Учувчиларни ва барча авиаторларни Хаво флоти кўни билан табриқлаймиз. Ватанимизнинг бахт-саодати йўлидаги хизматда янада муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт тилаймиз.

Космонавт учувчилар Андриян НИКОЛАЕВ ва Павел ПОПОВИЧ, «ИЛ-18» самолётининг борти, 18 август.

ТАСС ахбороти

„КОСМОС-8“ ОРБИТАДА

1962 йил 18 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-8» муваффақиятли суратда орбитага учирилди. Йўлдошга ўрнатилган илимий аппаратлар ТАСС шу йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган.

«Космос-8» йўлдошининг бортига илимий аппаратлардан ташқари траекторияни ўлчамоқ учун кўп каналли радиотелеметрик система ва радиотехника қурилмалари ўрнатилган. Йўлдошда 20,00504 ва 90,02268 мегагерц частоталарда ишлайдиган «Маяк» передатчиги бор. Дастлабки маълумотларга кўра, йўлдошнинг айланиш даври 92,93 минутта, орбитанинг экватор тенислигига оғиш бурчаги 49 градусга тенгдир. Ер сатҳидан максимал узоқлашиши 604 километрдир. Минимал узоқлашиши 265 километр.

Йўлдошнинг бортидан олинган радиотелеметрик ахборот

бортидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турганлигидан далолат беради. Телеметрик ахборотлар, шунингдек «Маяк» передатчигининг радио сигналларини қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар координация-ҳисоблаш марказига келиб турибди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ СОВЕТ КОСМОНАВТ УЧУВЧИЛАРИ МАЙОР А. Г. НИКОЛАЕВГА ВА ПОДПОЛКОВНИК П. Р. ПОПОВИЧГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОННИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларида жаҳонда биринчи марта космосда группа бўлиб узок вақт учганликлари учун қуйидагиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилсин ва Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Космонавт учувчи майор Андриян Григорьевич Николаевга.

Космонавт учувчи подполковник Павел Романович Поповичга.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1962 йил, 18 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ УЧУВЧИ МАЙОР А. Г. НИКОЛАЕВГА ВА УЧУВЧИ ПОДПОЛКОВНИК П. Р. ПОПОВИЧГА «СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ» УНВОННИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларида космосда группа бўлиб узок вақт учганликлари учун Совет Иттифоқининг қуйидаги граждандарига «СССР космонавт учувчиси» унвони берилсин:

Учувчи майор Андриян Григорьевич Николаевга,
Учувчи подполковник Павел Романович Поповичга.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1962 йил, 18 август.



